

Фойдали илмни изла



11:00 / 29.05.2022 4758

Музанийдан ривоят қилинади: «Тавҳид борасида қалбимга бирор нарса воқе бўлса, буни Шофеъий раҳимаҳуллоҳдан сўрар эдим. Бир куни унинг олдига бордим. У Мисрдаги масжидда экан. «Хаёлимга тавҳид борасида бир савол келяпти. Ҳеч ким сизчалик билимга эга эмаслигини биламан. Сиз шу масалага нима дейсиз?» деб сўрадим.

- Сен қаерга келганингни биласанми?

- Ҳа.

- Бу Фиръавни ҳалок қилган жой. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу борада савол сўрашга буюрганмилар?

- Йўқ.

- У ҳақда саҳобалар гапиришганми?

- Йўқ.

- Осмонда нечта юлдуз борлигини биласанми?

- Йўқ.

- Бирорта юлдузнинг тури, қачон чиқиб, қачон ботиши, нимадан яратилганини биласанми?

- Йўқ.

- Кўзинг кўриб турган нарсани билмайсан-ку, уни яратган Холиққа оид илм ҳақида сўрайсанми?

Кейин у мендан таҳоратга тегишли бир масалани сўраган эди, жавобида янглишиб кетдим. У ўша масаланинг тўрт хил кўринишини ажратиб сўради. Уларнинг ҳам бирортасини билмадим. Шофеъий деди: «Ҳар куни беш марта ишинг тушадиган нарсанинг илмини ташлаб қўйиб, Холиқ таолонинг илмини ўзингга юклаб оласанми? Агар каллангга яна шунақа саволлар келса, Аллоҳга ва У Зотнинг ушбу сўзига қайт: **«Илоҳингиз ягона илоҳдир. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. У Меҳрибондир, Раҳмлидир. Осмонлару ернинг яратилишида, кеча-кундузнинг алмашиб туришида, одамлар учун фойдали нарсалар ортилган кемаларнинг денгизда сузишида, Аллоҳ осмондан тушириб, у сабабли ўлик ерни тирилтирган сувда, турли жонзотларни унда (ерда) тарқатиб қўйишида, шамолларни (турли томонга) йўналтиришида ва осмон билан ер ўртасида бўйсундирилган булутларда ақлни ишлатадиганлар учун** (бу борлиқнинг яратувчиси ягона Аллоҳ таоло эканига далолат қиладиган) **аломатлар бордир»** (Бақара сураси, 163-164-оятлар). Яратилган нарсалар Яратувчига далил бўлади. Ақлинг етмаган нарсанинг илмини ўзингга юклаб олма». Мен: «Тавба қилдим», дедим».

«Солиҳлар гулшани» китобидан